

А Ж Р И М
(ярашув тўғрисида)

2024 йил февраль ойининг 26-куни жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг очиқ мажлиси ўз биносида, раислик қилувчи суд раиси С.Расулов, судья ёрдамчиси А.Халбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Жиззах шаҳар прокурори ёрдамчиси С.Маматкаримов, жабрланувчи С.Абдуллаев, фуқаровий даъвогар Э.Эшмуродов, судланувчи Б.Эшмуродовларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи Эшмуродов Бунёдбек Сулаймон ўғлига оид 1-1301-2401/46-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Эшмуродов Бунёдбек Сулаймон ўғли (Eshmuradov Bunyodbek Sulaymon o'g'li) – 1991 йил 31 март куни Зафаробод туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, вақтинча ишламайди, Жиззах шаҳар, Олмазор МФЙ, 13-уй, 32-хонадонда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномасини 2024 йил 29 январь куни олган.

Суд иш ҳолатлари билан танишиб, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини, прокурорнинг фикрини эшитиб, ишда тўпланган далилларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Тергов органи томонидан тўпланган ҳужжатларга кўра, Б.Эшмуродов 2023 йил 29 август куни тахминан соат 11-30 да фуқаро Эшмуродов Элёр Сулаймоноичга тегишли бўлган HYUNDAI PORTER 2 русумли 25M453JA давлат рақамли автомашинани Жиззах шаҳри Қалия маҳалласи ҳудудидан ўтган Қалия кўчасида кесишган тартибга солинган чорраҳада Қалия-Маъданият йўналиши бўйича бошқариб келиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 31-банди 6-қисмида, “Қизил ишора, шунингдек, милтилловчи қизил ишора ҳаракатланишни тақиқлайди” деб, 77-банди 3-қисмида, “Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларга амал қилмасдан, тартибга солинган чорраҳада светафорнинг яшил ишорасида ҳаракатланиб кетаётган Абдуллаев Суван Баҳром ўғлининг бошқарувидаги “DAEWOO NEXIAGLEBO” русумли 25V070FA давлат рақамли автомашина билан тўқнашиб кетиб йўл-



транспорт ҳодисасини содир қилган, натижада С.Абдуллаев тан жароҳати олиб РШТИЁМнинг Жиззах филалига ётқизилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 13.09.2023 йилдаги 2409-сонли хулосасига кўра, Абдуллаев Сувон Бахром ўғлининг танасидаги тан жароҳатларининг оғирлик даражаси бўйича “*ўртача оғир шикастлар*” деб баҳоланган.

Судга оид автотехник экспертизанинг, 16.09.2023 йилдаги хулосасига кўра, “Hyundai Porter 2” русумли 25M453JA давлат рақамли юк автомашинаси хайдовчиси амалдаги “Йўл ҳаракати қоидаларининг” 31-банди 6-қисми талабларига зид эканлиги кўрсатилган.

Тергов органи томонидан Б.Эшмурадов юқоридаги ҳаракатлари учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланувчи тариқасида жалб қилинган.

Б.Эшмурадов суд мажлисида содир қилган жиноятига иқрорлик билдириб, 2023 йил 29 август куни тахминан соат 11-30 да акаси Эшмурадов Элёр Сулаймоноичга тегишли бўлган HYUNDAI PORTER 2 русумли 25M453JA давлат рақамли автомашинани Жиззах шаҳри Қалия маҳалласи худудидан ўтган Қалия кўчасида кесишган тартибга солинган чорраҳада Қалия-Маъданият йўналиши бўйича бошқариб келишда, светафорнинг қизил ишорасида ҳаракатланиши оқибатида светафорнинг яшил ишорасида ҳаракатланиб кетаётган С.Абдуллаевнинг бошқарувидаги “DAEWOO NEXIAGLEBO” русумли 25V070FA давлат рақамли автомашина билан тўқнашиб кетиб йўл-транспорт ҳодисасини содир қилган, натижада ўзи ҳамда С.Абдуллаев тан жароҳати олиб РШТИЁМнинг Жиззах филалига ётқизилганлиги, суд жараёнида С.Абдуллаевдан кечирим сўраб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаб, у билан ихтиёрий равишда ярашганини, фуқаровий даъвогар Э.Эшмурадовга ҳам етказилган зарарни қоплаб, у билан ярашиб олганини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини баён қилиб, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи С.Абдуллаев, Б.Эшмурадов кечирим сўраб, унинг даволанишига кетган харажатларини тўлиқ тўлаганлиги сабабли у билан ихтиёрий равишда ярашганини, унга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси талаблари тушунтирилганини, ярашув тўғрисидаги аризани бирон-бир тазйиқсиз тақдим қилганини, шу сабабли Б.Эшмурадовни жинойий жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Э.Эшмурадов, Б.Эшмурадов кечирим сўраб, унинг автомашинасига етказилган зарарни тўлиқ тўлаганлиги сабабли у билан ихтиёрий равишда ярашганини, унга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси талаблари тушунтирилганини, ярашув тўғрисидаги



аризани бирон-бир тазйиқсиз тақдим қилганини, шу сабабли Б.Эшмурадовни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида Жиззах шаҳар прокурори ёрдамчиси С.Маматкаримов судланувчи Б.Эшмурадовнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги ҳамда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ихтиёрий ярашганлиги сабабли Б.Эшмурадовни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатиш ҳақида фикр билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасида мазкур моддада назарда тутилган жиноятларни содир этган, айбига иқрор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ва иш бўйича етказилган зарарни бартараф этган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилган.

Ушбу иш бўйича судланувчи Б.Эшмурадовнинг содир қилган жинояти ЖК 66¹-моддасидаги ярашув қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар туркумига киради, у ўз айбига тўлиқ иқрор, муқаддам судланмаган, жабрланувчи ҳамда фуқаровий даъвогар билан ихтиёрий равишда ярашган ва жиноят натижасида етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган.

Суд, баён қилинганларни инобатга олган ҳолда жиноят ишини ЖК 66¹-моддаси асосида тугатишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, жабрланувчи С.Абдуллаев ва фуқаровий даъвогар Э.Эшмурадовларнинг ярашганлик тўғрисидаги аризаларини қабул қилишни, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисмига асосан Б.Эшмурадовни айблилик масаласини ҳал қилмасдан, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилади,

А Ж Р И М :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи Эшмурадов Бунёдбек Сулаймон ўғлига нисбатан юритилган жиноят иши бўйича жабрланувчи С.Абдуллаев ва фуқаровий даъвогар Э.Эшмурадовларнинг берган ярашув тўғрисидаги аризалари қабул қилинсин.

Тарафлар ярашганлиги муносабати билан мазкур жиноят иши тугатилсин.

Иш бўйича жиноят оқибатида жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли муҳокамадан қолдирилсин.



Судланувчи Эшмурадов Бунёдбек Сулаймон ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажрим устидан хусусий протест ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва жабрланувчи эса ажрим нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида хусусий шикоят, Жиззах вилоят судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

С.Расулов

Аслига тўғри

